

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 71

Самарқанд ш

«13» «январ» 2022 йил

ООО «Садриддин», кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ф.Сайфуллаев номидан, бир томондан ва «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармаси, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги Х.Равшанов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар ва маҳсулотлар номланиши	Улч. бирлиги	микдори	нархи	Сумма	Ставка	Сумма	Жами сумма НДС билан
1	Стиральная машина автомат 10,5 кг LG	шт	1	9520000	9520000	15%	1428000	10948000
	<b>Жами</b>				<b>9520000</b>		<b>1428000</b>	<b>10948000</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси НДС кушилган холда **10948000** (Ўн миллион тўккиз юз кирк саккиз минг) сўмни ташкил килади.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бошкармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичida конунчиликка мувофик, шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичida кабул килиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 3 банк иш куни ичida товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштироқида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуклари: Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришини талаб килиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошка ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришини талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб килиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофик етказиб берилган товарларни кабул килиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига кўзда тутилган тартибида ва ҳажмларда амалга оширишни талаб килиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофик, етказиб берилган товарларни асосиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган

зарарларни коплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чиқишига йўл кўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун

муддат ичидаги барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равища рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлади.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкири, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳаклидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равища бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисобкитобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлади.

Етказиб берилган товарлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пена тўлади.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар

товарлар ҳаки қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб оловчи (буюртмачига) кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пена тўлади, бирор бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, окибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ӯралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ӯралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчи (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлади. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган холларда сотиб оловчи (буюртмачи) жарима ундиришдан

ташкири, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлашга жойлашган талаб қилишга ҳаклидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустақил равища уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳаклидир.

5.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат килган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги холатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгид бўлмас куч (форс-мажор) холатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошкармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қиласи.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди.

#### 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи	Буюртмачи
<p>Ташкилот номи : <i>ООО « Садриддин »</i></p> <p>Манзил: <i>Самарқанд шаҳар Навоий кучаси 1</i></p> <p>Телефон:</p> <p>Факс:</p> <p>СТИР коди: <i>200715314</i></p> <p>ОКОНХ: <i>71820</i></p> <p>X/P <i>20208000200220322001</i></p> <p>Банк номи: «Invest Finance Bank» АТ Самарқанд ф-ли МФО: <i>01133</i></p> <p><i>Рахбар (директор):</i> <u>М. Ў.</u> <i>(имзо)</i> </p> <p><i>Хукукшунос</i> <u>Ф. Сайфуллаев</u> <i>(имзо)</i> </p>	<p>Ташкилот номи: “Форумлар мажмуаси” комплексидан фойдаланиш ва хизмат курсатиш бошкармаси</p> <p>Манзил: Самарқанд шаҳар Гулобод кўчаси 33 уй Тел.: 8 (366) 239-83-06 Факс: _____</p> <p>СТИР коди: <i>204099034</i></p> <p>ОКОНХ: <i>90220</i></p> <p>Буюртмачининг Фазна шахсий хисобвараги: <i>100021860184017013902018001</i></p> <p>Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошкармаси</p> <p>Ягона Ғазначилик хисобвараклари (ЯГХ): <i>23402000300100001010</i></p> <p>Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошкармаси XКММ</p> <p>МФО : <i>00014</i></p> <p>Ғазначилик бўлинмаси ИИНн раҳами: <i>201122919</i></p> <p>Бошкарма бошлиги: <u>Х.Равшонов</u> <i>(имзо)</i> </p> <p><i>Хукукшунос</i> <u>С.Юсупов</u> <i>(имзо)</i></p>



Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармаси  
кир ювиш мошинаси харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йигилиши

БА ЁН И № 4

2022 йил 10 январ

Самарқанд шахри

Раислик килувчи  
Иштирок этдилар

М.Танкиев  
О.Туракулов  
Ш.Ганиев  
М.Закиров  
Д.Эрназаров  
Ш.Очилов  
Э.Хожимуродов

КУН ТАРТИБИ:

«Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармасига кир ювиш мошинаси харид қилиш бўйича "Садриддин" МЧЖ , «Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ ва «Жавохирбек Диёрбек» ХК томонидан танлов (тендер) Комиссияга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини анилаш.

Сўзга чикганилар:

Дилшод Эрназаров, Мухлис Закиров ва О.Туракулов

Йигилишда қайд этилдики, «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармасга кир ювиш мошинаси харид қилиш бўйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 9-сонли баённомасининг 6 – бандини инобатта олиб, доимий ишловчи Комиссиясининг кир ювиш мошинаси харид қилиш бўйича бир катор корхоналардан харид таклифлари тақдим этилган.

Жумладан, харид таклифларини тақдим этиш тўғрисидаги расмий мурожаатномага мувофик, Комиссияга:

- Самарқанд шахар Навоий кучасида жойлашган, "Садриддин" МЧЖ томонидан томонидан 2022 йил 10 январдаги №7 сонли хат билан;

- Самарқанд вилояти Ургут тумани Омонқутон МФЙда жойлашган жойлашган , «Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ томонидан 2022 йил 07 январдаги № 07/01-2 хат билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

- Самарқанд шахар М.Кошгари кучаси 56 уйда жойлашган «Жавохирбек Диёрбек» ХК томонидан 2022 йил 07 январдаги №5 сонли хат билан;

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофик кир ювиш мошинаси харид қилиш бўйича танловда иштирок этиш учун қуидаги тур, ўлчам ва нархлар тақлиф этилган:

№	Т у р и	Ўлчов бирлиги	Ўлчам и	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР		
				"Садриддин" МЧЖ	«Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ	«Жавохирбек Диёрбек» ХК
				Нархи	Нархи	Нархи
1.	Стиральная машина автомат 10,5 кг LG	шт	1	10948000	10980000	10995600

«Корхоналар томонидан кир ювиш мошинаси сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ саклаб туриш кафолати берилган».

«Комиссия аъзолари томонидан йўл-транспорт харажатларини максимал иктисад килиш, марказдалиги ҳамда саклаш шароитлари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида Самарқанд шахар Навоий кучасида жойлашган, "Садриддин" МЧЖ имкониятлари кулагигини кўрсатиб ўтилди».

«Шунингдек, Самарқанд вилояти Ургут тумани Омонқутон МФЙда жойлашган жойлашган , «Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ ва Самарқанд шахар М.Кошгари кучаси 56 уйда жойлашган «Жавохирбек Диёрбек» ХК томонидан харид тақлифларида қайд этилган нархлар юкорилиги ва маҳсулотларни етказиша қўшимча харажатларга талабни келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди».

Йигилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ саклаб туриш кафолати берилганлиги;

- корхонани Самарқанд шахри марказида жойлашганлиги, бу эса жихозларни олиб келиш учун қулаги ҳамда транспорт харажатларини иктисад килиш имконияти мавжудлиги туфайли "Садриддин" МЧЖ дан харид килинсин.

2 "Садриддин" МЧЖ дан кир ювиш мошинаси харид қилиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармаси ўртасида хўжалик шартномалари лойихалари икки нусхада Ўзбекистон

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармаси кир ювиш мошинасини:

- тақдим этилган нархлари арzonлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва маҳсулотларни олингунга қадар омборларда тўлиқ саклаб туриш кафолати берилганлиги;

- корхонани Самарқанд шахри марказида жойлашганлиги, бу эса жихозларни олиб келиш учун қулаги ҳамда транспорт харажатларини иктисад килиш имконияти мавжудлиги туфайли "Садриддин" МЧЖ дан харид килинсин.

Республикасининг бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон "Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги карори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2007йил 20 мартағи 53-сон "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг назначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида"ги карорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси молия вазрлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон бўйруғи (рўйхат раками 2850,2016 йил 22 декабр) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўпласи, 2016й, 51-сон, 593-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабряда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раками 2850-1 Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларнинг газна ижроси коидаларига иловага мувофиқ риоя килинган холда тузиш белгилансин.

3. "Садриддин" МЧЖ дан кир ювиш мошинаси харид килиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат қўрсатиш бошқармасига кир ювиш мошинаси харид килиш бўйича тузиладиган хўжалик шартномалари Ўзбекистон Республикасининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сонли, «Давлат харидлари тўғрисида»ги конунининг Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид килинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидаги 26-бандида кўзда тутилган, яъни, "Мамлакатимиз, хукуматимиз раҳбарлари, хорижий давлатлар ва хукуматлар бошликлари ҳамда уларнинг вакилларининг қабуллар уйига ташрифи билан бөглиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан уларнинг яшаси, овқатланиши, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган бошка харажатлар" бандини инобатга олиб ички тендер танловлари асосида шартнома тузилсин ва тўловлар амалга оширилсин.

4 "Садриддин" МЧЖ дан кир ювиш мошинаси харид килиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат қўрсатиш бошқармаси ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибида тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичida Самарқанд вилояти бўйича Фазначилиқ бошқармаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторинги гурухига тақдим этилсин.

5. Мазкур баённомага харид тақлифларини тақдим этган корхоналарнинг ҳатлари, харид тақлифлари ва тендер тавловида голиб чиккан корхонанинг гувоҳномалари, лицензия ва бошка тақдим этилган хужжатлари илова килинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосари юклатилсин.

Комиссия раиси, бошқарма бошлиги  
уринбосари  
Комиссия раиси ўринбосари, бош мухандис

Комиссия аъзоси, видеокузатув оператори

Комиссия аъзоси, комендант

Комиссия аъзоси, омбор мудири

Комиссия аъзоси, мухандис теплотехник

Комиссия аъзоси, Энергетик

М.Танкиев

О.Туракулов

М.Закиров

Д.Эрназаров

Ш.Ғаниев

Ш.Очилов

Э.Хожимуродов